БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 243 (18.121). • 21 октябрь 1981 йил, чоршанба • Баҳоси 2 тийин.

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИНГ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатида «Механизаторлар! Тошкент областининг шавкатли дала гвардиячиларига тенглашингиз!» дейилган. Пойтахт области механизаторлари ўзлари ижод этган «Тошкент технологияси»ни изчиллик билан амалга ошириб, пахта йиғим-теримида мисли кўрилмаган муваффақиятга эришдилар. Давлатга топширилган 445 минг тоннадан зиёд пахтанинг 381 минг тоннадан кўпроғи «зангори кема»ларда терилди. Машиналар шарофати билан кунига йиллик планнинг 6 процентидан ошириб «оқ олтин» тайёрланди. Ғолиб Тошкент области меҳнаткашлари, хусусан механизаторлари ярим миллион тонналик хирмон учун курашни қизғин давом эттирмоқдалар.

Бухоро области заршуносларн илғорлар сафида бормоқдалар. Бунда дала гвардиячилари аталмиш механизаторларнинг ҳиссаси катта бўлғпти. Бухороликлар машина теримига пухта тараддуд билан киришганликлари, дефолиация вақтида, сифатли ўтказилганлиги, терим-транспорт отрядларнинг бир маромда ишлашини таъминлаётганликлари туфайли кўп ва юқори сорт пахта тайёрлаб, марра сари яқинлашмоқдалар.

Сирдарё ва Жиззах областларининг механизаторлари қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар, машина теримини кеча-кундуз жадаллик билан ўтказиб, суръатга суръат қўшмоқдалар. Улар қосил тақдири учун юксак масъулиятни тўла ҳис этмоқдалар. Барча бригадалар ва звеналар, ҳамма хўжаликлар ва районларда пахтани машинада терши планлари ва мажбуриятларнинг ошириб бажарилишини таъминлаш учун курашмоқдалар. Терим жараёнида янги қаҳрамонлар етишиб чиқаётир.

Мурожаатда «Бугунги кунда бизнинг битта энг асосий вазифамиз, мамлакат олдида битта масъулиятимиз бор: у ҳам бўлса пахтадир!» дейилади. Ана шу пахта учун курашда Хоразм области, Қорақалпоғистон АССР механизаторлари жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаётганликларни таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Эллиққалъалик бригадир-механизатор, СССР Олий Совети депутати Жамила Бекчонова бошлиқ оилавий терим экипажи аъзолари бригадада етиштирилган қосилнинг ҳаммасини ўзлари машинада териб олдилар. 700 тонналик маррани эгаллашга ваъда қилдилар.

Қашқадарёлик ака-ука механизаторлар Норовларнинг оилавий экипажи бункерлардан 2000 тоннадан зиёд дурдона тўкиб, юқори кўрсаткичга эришди. Ҳамон ҳар бир машинанинг кунлик иш унумини 6—7 тоннадан оширмоқдалар. Жиззахлик машқур пахтакор, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул ота Носировнинг беш фарзанди «Носировлар оилавий терим экипажи» ташкил этиб, чўлқуварларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилишга катта ҳисса қўшяпти.

Пахта йиғим-терими мавсуми бошланиши олдидан механизаторларимиз мавсумда 200 тоннадан 500 тоннагача пахта терш ташаббуси билан майдонга чиққан, бу ҳақда матбуот орқали хабар берилган эди. Механизаторлар йўқламаси рубрикаси остида эълон қилинаётган хабарлардан кўриниб турибдики, уларнинг кўпчилиги ўз сўзларининг устидан чиқиб, ваъдаларига вафо қилмоқдалар.

Сурхондарёлик бригадир-механизатор, СССР Олий Совети депутати Холмўмин Сафаров қиска фурсатда машинада 475 тонна ингичка толали пахта теріб, барча механизаторларга ибрат намунасини кўрсатди. Қорақалпоғистонлик механизатор, Узбекистон ССР Олий Совети депутати Искандар Қаландаров кунига машина иш унумини 18—20 тоннага кўтаряпти. Арнасой районидаги Василевский номли, Рокоссовский номли, Жуков номли, Конев номли совхозларда тайёрланаётган пахтакинг асосий қисмини механизаторлар машиналар бункеридан тўкишяпти. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Механизаторлар ишчилар синфи ишониб топширган машиналарни тўла қувват билан ишлатиб, «оқ олтин» хирмонига қут-барака киритишяпти.

Куз ҳавоси механизаторларнинг эркаланишлари, теримни ўзибўларчилик билан олиб боришларига имконият бермайди. Бугун чарақлаб турган ҳаво эртага яка ўзгариши, ёғингарчиликлар бир кунлик ишни уч-тўрт кун кейинга суриб юбориши мумкин. Бунинг устига қароратли кунлар тобора қисқаряпти. Кўпчилик механизаторлар эса мажбуриятлари у ёқда турсин, ҳали планларини ҳам бажарганлари йўқ. Машиналар пайкалларга кеч киритилаётир, устига-устак терим эрта тўхтатиб қўйиляпти. «Зангори кема»ларнинг бир қисми бекор турибди. Ахир, шу кунларда ишлатилмаган машиналар қачон ишлатилади, планларини ва мажбуриятларини бажармаган механизаторлар қачон бажарадилар!! Қайси колхоз ёки совхозда кунлик терим графиги бажарилмаётган экан, бунинг сабабини ўша хўжаликлар механизаторларининг кошудлигидан қидириш керак. Йўл қўйилган камчиликни зудлик билан бартараф этиш чоралари кўрилиши зарур. Бирорта машина бекор турмасин, пайкаллардан чиқарилмасин, тўла қувват билан ишлатилсин! Вазият шуни тақозо этяпти.

Механизаторларимиз 4 миллион тонна пахтани машиналарда териб бершилари керак. Ҳамма баравар ҳаракат қилгакда, ўз зиммасига олган мажбуриятини муваффақиятли адо этгандагина бу марра эгаллакди. Механизаторлар сафида қолоқлар бўлмаслиги, терим соат сайин кучайтирилмоғи даркор. Яна бир ҳужумкорлик кўрсатсак юксак маррани эгаллаб, механизаторлик касбкни шарафлаган бўламиз

Бекор турган машиналар зудлик билан ишга туширилиши, умуман эса барча машиналарнинг иш унуми кўтарилиши лозим. Далаларда ҳали пахта кўп. Астойдил ҳаракат қилинса, кунлик графикни бир ярим-икки ҳисса қилиб бажариш мумкин. Мурожаатда таъкидланганидек, буёғи механизаторларимизнинг ишчанлиги, тадбиркорлиги, қосил тақдири учун масъулиятни ҳис эта билишларига боғлиқ. Кўп хўжаликларда машиналар тунда ҳам тўла қувват билан ишлатиляпти. Ҳамма жойда шунга эришиш керак, токи етиштирган қосилимизнинг бир чаноғини нобуд қилмасдан ёғингарчиликлар бошлангунча йиғиштириб олайлик. Мўл қосил учун курашда механизаторлар байроқдор бўлиб келдилар, мавсум охиригача ҳам шундай бўлиб қолишлари зарур.

Теримчилар, ёрдамчилар катта куч! Ғаниматт дамларда кўпмингкилограммчилик ҳаракати янада кучайтирилиши, ҳар бир кишн мавсум давомида камида 10—12 тонна пахта терши таъминланиш, ёрдамчилар маҳорати оширилиши зарур. Теримчилар, ёрдамчилар билан механизаторлар ҳамкорлиги, фидокорлиги ғалабанинг асосий омилидир. Ҳеч ким теримдан четда турмаслиги, улкан «оқ олтин» хирмонига ўз улушини қўшмоғи лозим.

Партия ташкилотлари теримда юксак суръат ва сифат мусобақасини янада авж олдиришга уддабуронлик билан бошчилик қилишлари, илғорлар тажрибасини ҳамманинг мулкига айлантириш чораларини кўришлари керак.

Съездлар йилида она-Ватанга камида 6 миллион тонна Ўзбекистон «оқ олтини» етказиб берамиз! Бу олижаноб мақсадга эришмоқ учун ҳамма жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоғи, механизаторлар умумхалқ курашида байроқдор бўлмоғи керак.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидаги районлар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилсин:

Толлимаржон райони — район партия комитети секретари ўртоқ Хушназаров, район ижроия комитети раиси ўртоқ Имомов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи ўртоқ Каримов, «Сельхозтехника» район бирлашмаси бошқарувчиси ўртоқ Жуманазаров, район суғориш системалари бошқармаси бошлиғи ўртоқ Тоштемиров, район комсомол комитети секретари ўрток Хўжақулов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитети раиси ўртоқ Бойжуродов;

Бойсун райони — район партия комитети секретари ўртоқ Соатмуродов, район ижроия комитети раиси ўртоқ Одинаев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи ўртоқ Мўминов, «Сельхозтехника» район бирлашмаси бошқарувчиси ўртоқ Холиқов, район суғориш системалари бошқармаси бошлиғи ўртоқ Нормаматов, район комсомол комитети секретари ўрток Имомова, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитети раиси ўртоқ Қосимов.

„ОҚ ОЛТИН" ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бораши тўғрисида шу йил 20 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ
(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

ТОШКЕНТ	0,71	104,74	0,70	115,54
Бухоро	1,12	90,60	1,41	85,23
Жиззах	2,24	87,63	1,61	93,95
Сирдарё	1,50	85,38	1,30	90,58
Қашқадарё	1,26	81,90	1,48	69,00
Наманган	1,10	77,42	1,52	69,64
Фарғона	0,61	74,17	0,91	64,38
Сурхондарё	0,47	73,58	0,38	56,92
Андижон	1,26	64,72	1,57	46,73
Хоразм	2,56	64,03	3,67	56,40
ҚҚАССР	2,55	53,48	2,86	37,51
Самарқанд	2,16	52,74	2,62	34,91
Республика бўйича:	1,38	74,56	1,60	67,37
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Бухоро	1,11	86,70	0,86	55,85
Наманган	—	83,92	—	76,25
Сурхондарё	0,84	69,89	0,69	57,32
Қашқадарё	1,46	49,70	0,89	22,26
Республика бўйича:	1,04	65,43	0,76	45,09

БИР ЙИЛДА ИККИ ЙИЛЛИК ПЛАН

Комсомолобод районидаги «Оқ олтин» совхозининг 5-бўлими пахтакорлари съездга йилини муваффақиятли якунламоқдалар. Улар пахта тайёрлаш юзасидан зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари ошириб бажардилар. 300 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 22 центнердан «оқ олтин» териб олинди.

— Коллективимиз мавсум давомида икки йиллик план миқдорида пахта тайёрлашга ваъд қилди, — дейди бўлим бошлиғи Эргаш Турсунов. — Ҳозир барча ишчи кучи ва техника йиғим-теримга сафарбар этилган.

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ФУРСАТ ҒАНИМАТ

● 19 октябрь куни қатор областларда ёғингарчилик бўлганлигига қарамай республика бўйича 80.638 тонна пахта тайёрланди, унинг 62 минг тоннага яқини машиналарда териб олинди. Мавсум бошидан буён тайёрланган ҳосил 4.354.073 тоннага етди, унинг 242.077 тоннаси ингичка толали пахтадир. Машиналарда ҳозиргача 2.607.287 тонна «оқ олтин» териб олинди.

● Қорақалпоғистон АССР, Жиззах, Хоразм, Самарқанд областларида кунлик ўсиш 2 процентдан ошди.

● Ҳар қандай шароитда ҳам пахтамизни йиғиштириб оламиз. Бутун кучни ҳосил йиғим-теримига сафарбар этайлик. Қуритиш-тозалаш цехлари тўла қувват билан ишласин. Терим машиналаридан озгина имконнятда ҳам фойдаланайлик. Мавсумнинг ҳар бир иштирокчисига ғамхўрлик кўрсатилсин.

● Об-ҳаво қийинчиликларига юксак онглилик, уюшқоқлигимизни қарши қўямиз, план ва мажбуриятларимизни шараф билан бажарамиз!

ИПАК ПАХТА — ВАТАНГА!

Бухоро область Қизилтепа райони ингичка толали пахта топшириш планини бажарди. Қабул пунктларига 6530 тонна ипак пахта топширилди. «Партия XXII съезди» ва «Ёш ленинчи» колхозлари ҳар гектар ердан 32-34 центнердан қимматли тола олдилар. Район пахтакорлари ингичка толали пахта ҳосилдорлигини 35 центнерга етказишга ахд қилишди.

Бугунги кунда областнинг уч райони, 8 совхоз, 27 колхози, 23 бўлими, 829 бригадаси юксак социалистик мажбурият ҳисобига ҳосил топширяпти.

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

Сурхондарё область Бойсун райони пахтакорлари пахта тайёрлаш планини бажардилар. Давлатга 3620 тонна «оқ олтин» топширилди. Кўрик Ойбек номли совхозининг Тожи Гажитдинов, Нуркобил Умбаров, Тошпўлат Нордонов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригаларда ҳосилдорлик 30-35 центнерни ташкил этяпти. Менгтўра Ҳаитов, Алимардон Қурбонназаров, Абдужаббор Тўлаганов каби механизаторлар тоғли шароитда 200-250 тоннадан пахта териб бершди.

* * *

Жиззах область Дўстлик райони деҳқонлари 19 октябрь куни давлатга 3,12 процент миқдорида пахта топширишди.

Шу райокдаги Ленин номли совхоз-техникум йиллик планни бажарди. Давлат мазкур хўжаликдан 13217 тонна «оқ олтин» қабул қилиб олди. Бу ҳосилнинг 92 процентн бункерлардан бўшатилди. Хўжалик бўйича ҳосилдорлик 30,1 центнерни ташкил этди. Охунжон Отажонов, Кувондиқ Қаршибоев, Зокиржон Турсунқулов бошчилик қилаётган бўлимларда эса бу кўрсаткич 32-35 центнерга етди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, республикада хизмат кўрсатган механизатор Тўлан Дадажонов ўз ҳисобига 550 тонна пахта ёзиб қўйди.

Тошкент медицина институти студентлари пахта далаларида аъло меҳнат қилиб, Жиззах областидаги студент коллективлари ўртасида биринчи ўринда боришяпти. Ҳар бир студент кунига 70 килограммдан пахта теряпти.

* * *

Қашқадарё область Ғузор райони деҳқонлари пахта тайёрлаш планини шараф билан адо этдилар. Қабул пунктларига ғузорликларнинг 38576 тонна «оқ олтин»и топширилди. Шунингдек, район механизаторлари 21736 тонна пахта териб, машина терими планини ҳам уддалашди. Район меҳнаткашлари ялпи ҳосилни 45 минг тоннага етказишга ахд қилишди.

Шаҳрисабз районидаги «Правда» колхози деҳқонлари 450 тонна ингичка толали пахта топшириб, бу борадаги планни бажардилар.

Китоб районидаги «Шарқ юлдузи» совхози, Улуғбек номли колхоз, Қамаши районидаги «Партия XXII съезди» ва Чироқчи районидаги «Коммуна» колхозлари ғалаба рапортига имзо чекишди.

ТЕРИМЧИЛАР ҒАЙРАТИ

Андижон области далаларида деярли 239 минг киши меҳнат қиляпти. Ҳавонинг ноқулай келганлигига қарамай ҳар бир теримчи 28 килограммдан пахта теряпти. Қўрғонтепа районида эса 20 минг теримчининг ҳар бири кунига ўртача 37 килограммдан пахта териб теряпти.

Балиқчи районидаги «Правда» совхозидан Олияхон Султонова мавсум бошидан буён терган пахта 15 тоннага етди. У яна 5 тонна пахта териб бермоқчи.

ЗАФАР САТРЛАРИ

Бўз районидаги «Ленинчи» совхозининг учинчи бўлимидаги Мадаминжон Мамамирзаев раҳбарлик қилаётган агроучастка 178 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36 центнердан ҳосил олиб, йиллик планни адо этди. Бу коллектив ҳосилдорликни 45 центнерга етказишга сўз берди.

* * *

Самарқанд область Пахтачи районидаги Пушкин номли колхоз ва Нарпай районидаги Ҳамза номли совхозда пахта тайёрлаш бўйича йиллик план бажарилди. Хатирчи районидаги «Коммунизм» колхозида машина терими уддаланди. Алим Эргашев, Ҳамидулла Муҳаммадиев, Келдиёр Галиев каби механик-ҳайдовчилар 180-250 тоннадан пахта теришди.

* * *

Наманган областида биринчилардан бўлиб Наманган районидаги «Партия XXII съезди» колхози дастлабки маррага етиб келди. Қабул пунктларига топширилган 5020 тонна ҳосилнинг ҳаммаси биринчи сортларга қабул қилинди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Абдурахмон Жўраев ва Нуриддин Абдуллаев, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Усмонхўжа Икромов бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 40-44 центнерга етди.

* * *

Тошкент область Ғалаба районидаги «Победа» колхози пахтакорлари ҳосилдорликни 55,5 центнерга етказиб, социалистик мажбуриятни адо этишди.

Сирдарё область Ильич районидаги Узоқов номли ва Меҳнатобод районидаги «Страна Советов», «Пахтакор» совхозлари заршунослари йиллик планни адо этдилар.

* * *

«Узбекистон Компартияси 50 йиллиги» совхози чўлқуварлари беш кун мобайнида 39 процент пахта топшириб, автоном республикада биринчи бўлиб халқ хўжалиги планини бажаришди. Ватан бу хўжаликдан 3000 тонна «оқ олтин» қабул қилиб олди. Хўжалик деҳқонлари яна 1100 тонна пахта топшириб, ҳосилдорликни 45 центнерга етказишга азму қарор қилишди.

ИЛҒОРЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ

Қорақалпоғистон АССРда маълумотнинг охирида бораётган Қўнғирот райони йиғим-теримни суст олиб боришяпти. Бу ерда 20 октябргача йиллик план атиги 44,5 процент бажарилди, машина терими эса бундан ҳам оз — 31,2 процентни ташкил этмоқда. Айниқса, «Хоразм» совхози ортда судраляпти.

Л. И. БРЕЖНЕВ Я. АРАФАТНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 20 октябрь куни Кремлда Фаластин Озодлик ташкилоти (ФОТ) Ижроия комитетининг Раиси Я. Арафатни қабул қилиб, у билан суҳбатлашди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, шунингдек ФОТ ижроия комитетининг аъзоси, ФОТ Сиёсий департаментининг раҳбари Фаруқ Қаддуми ва ФОТ Ижроия комитетининг аъзоси А. М. Абу-Мейзар иштирок этдилар.

Кўпгина масалалар, дастлабки Яқин Шарқдаги аҳволга тааллуқли масалалар юзасидан самимий дўстона вазиятда фикрлашиб олинди.

Л. И. Брежнев билан Я. Арафат АҚШнинг милитаристик муддаолари ва Исроилнинг агрессивлиги ортиб бораётганлиги сабабли Яқин Шарқдаги вазият янада кучайганлигидан жиддий ташвиш билдирдилар. Қўшма Штатлар Вашингтон билан Тель-Авив ўртасида «стратегик иттифоқни» ошкора эълон қилиб, Исроилни Яқин Шарқ халқлари устидан сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий ҳукмронликни ўрнатишга қаратилган ўз режаларини амалга оширишда асосий қуролга айлантирди. Қўшма Штатлар Исроилни араб халқларига нисбатан экспансиячилик сиёсатини давом эттиришга, араб территорияларининг оккупациясини абадийлаштиришга, Ливаннинг жанубига қарши агрессив ҳаракатларга, фаластин халқининг БМТ таъкидлаган миллий ҳуқуқларини поймол этишга ва фаластин қаршилик ҳаракатини бостиришга рағбатлантирмоқда.

Томонлар АҚШнинг Ўрта денгизда хатарли кескинлик манбанни вужудга келтиришга қаратилган хаттиҳаракатларини, у ердаги Америка флоти ва «тез ҳаракат қилувчи қучлар» деб аталмиш қучлари оширилган жанговар шай ҳолга келтириб қўйилганлигини қоралайдилар. Улар буни АҚШнинг Миср ва бошқа араб халқларининг ички ишларига аралашиш, уларга тазйиқ ўтказиш йўлидаги уриниши деб биладилар.

АҚШ ва унинг гумашталарининг Ливияга қарши душманлик ҳаракатларидан ҳам жиддий ташвиш изҳор этилди. АҚШ ва унинг гумаштали ҳарбий васваса вазиятини кучайтириб ва Ливияга нисбатан ошкора таҳдидлар қилиб, шу араб мамлакатига қарши бевосита ивгоарликларни режалаштирмоқдалар, уни антиимпериалистик йўлдан воз кечишга мажбур қилишга, унга ўз ҳукмини ўтказишга интилмоқдалар.

Л. И. Брежнев билан Я. Арафат Кэмп-Дэвид тил бириктирувининг қатнашчилари туб масалани ҳал этишни — фаластинлик араб халқига ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўз давлатини барпо этишдан иборат қонуний ҳуқуқини амалга ошириш имконияти берилишини «фаластинликлар учун мухторият» деб аталган гап сўзлар билан алмаштиришга уринаётганликларини қатъиян рад этдилар.

Л. И. Брежнев шуни таъкидладики, Совет Иттифоқи фаластинлик араб халқининг адолатли ишини изчиллик билан қўллаб-қувватлаб келмоқда, фаластинлик араб халқининг ўз даҳлсиз миллий ҳуқуқларини амалга ошириш йўлидаги мардона кураши бутун дунёда хайриҳоҳлик ва ҳурматга сазовор бўлди. Фаластин халқи бу курашда талайгина муваффақиятларга эришди, арабларнинг миллий озодлик ҳаракатида илғор марраларга ўтиб олди, унинг сиёсий авангарди — Фаластин Озодлик ташкилоти эса фаластин халқининг бирдан бир қонуний вакили сифатида халқаро майдонда кенг эътироф этилди.

Суҳбат қатнашчилари империализм ва сионизмнинг кирдикорларига қарши, Яқин Шарқда чинакам тинчлик ўрнатиш учун курашда ҳал қилувчи омилларнинг бири сифатида араб давлатларини, араблар дунёсидаги барча ватанпарвар кучларни жипслаштириш ва уларнинг ҳаракат бирлигини мустаҳкамлашнинг аҳамиятини алоҳида қайд этиб ўтдилар.

Совет Иттифоқи ва ФОТ биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, Яқин Шарқ можаросини ҳар жиҳатдан бартараф этилишига эришиш йўлидаги ҳаракатни давом эттиравершга азму қарор берганликлари таъкидланди. Ҳар иккала томоннинг фикрича, барча манфаатдор томонларнинг, шу жумладан Фаластин Озодлик ташкилоти иштирокида Яқин Шарққа доир халқаро конференцияни чақириш тўғрисида КПСС XXVI съезди олга сурган таклиф шундай бартараф этишнинг реал конструктив йўлини очиб беради.

Л. И. Брежнев фаластин халқига Яқин Шарқда адолатли тинчлик учун, миллий мустақилликка эришиш ва ўз давлатини барпо этиш учун курашда янгидан янги муваффақиятлар тилади. Ўзининг миллий озодлиги учун курашаётган халқлар билан ленинча бирдамлик принципларига содиқ Совет Иттифоқи ҳамиша фаластинликларнинг ҳаққоний иши томонида бўлади. Л. И. Брежнев ФОТнинг Москвадаги ваколатхонасига расмий дипломатия статуси берилганлигини Я. Арафатга маълум қилди.

Я. Арафат КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати фаластинлик араб халқига бераётган холисона ёрдам ва мадад учун фаластин раҳбарлари ва бутун халқи номидан миннатдорчилик изҳор қилди. У фаластин проблемаси адолатли ҳал этилиши учун, Яқин Шарқда мустаҳкам ва барқарор тинчлик ўрнатилиши учун изчил курашиб келаётган Совет Иттифоқи ҳамда социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорликни фаластинликлар бундан буёғи ҳам мустаҳкамлашга азму қарор берганликларини таъкидлади.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети халқаро бўлими мудирининг ўринбосари К. Н. Брутенц ва КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг референти Е. М. Самотейкин ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

ЯМАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ СССРГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИГА ДОИР

Яман Араб Республикасининг Президенти А. А. Солиҳ СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан шу йил октябрь ойининг охирларида расмий дўстлик визити билан Совет Иттифоқига келади.

МЕТРОЛОГИЯ БЕШ ЙИЛЛИК ХИЗМАТИДА

20 октябрь куни Тошкентда «Метрология сифатни бошқариш хизматида» мавзуида IX республика илмий-техника конференцияси очилди. Конференцияни Давлат стандарти республика бошқармаси билан илмий-техника жамиятлари кенгаши уюштирди.

(ЎзТАГ).

Суратда: суҳбат олдидан. В. Мусаэльян ва Э. Песов фотоси. (ТАСС).

«МОЛНИЯ—3» ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

Олис телефон-телеграф радио алоқаси системасидан фойдаланиш, СССР Марказий телевидение программалари «Орбита» тармоғи ва халқаро ҳамкорлик пунктларига юборилишини таъминлаш мақсадида 1981 йил 17 октябрь куни Совет Иттифоқида навбатдаги алоқа йўлдоши «Молния—3» учирилди. Йўлдош ичига системанинг сантиметрли тўлқин диапазонида ишлашини таъминлайдиган ретрансляция аппаратлари ўрнатилган.

Йўлдош шимолий ярим шарда апогейи 40.644 километр ва жанубий ярим шарда перигейи 649 километр бўлган орбитага чиқарилди. Йўлдошнинг айланиш даври 12 соату 16 минут, орбитасининг оғиши 63 градус.

«Молния—3» йўлдоши орқали алоқа сеанслари белгиланган программага мувофиқ ўтказиб турилади.

ГДР китоблари виставкаси

20 октябрь куни юзлаб тошкентликлар Ўзбекистон ССР Рассомлар союзининг кўргазмалар залига келишди. Бу ерда Германия Демократик Республикаси китоблари экспозицияси очилди. Стендларга 78 та нашриёт босмадан чиқарган уч мингга яқин асар кўйилди.

Виставкада қадрдош мамлакат ёзувчилари, сиёсий арбоблари, олимлари ва композиторларининг асарлари намойиш қилинмоқда. Маркс ва Энгельс асарлари тўла тўпламининг дастлабки томлари экспозицияда асосий ўринни олган. Мазкур нашр Герман — Совет қалин ҳамкорлиги натижасида босиб чиқарилди. Бу ерда КПСС XXVI съездининг немис тилига таржима қилинган материалларига, Леонид Ильич Брежневнинг асарларига, совет кишиларининг бунёдкорлик ишлари кенг қулоч ёйганлиги, коммунистик қурилиш тажрибаси ҳақида ҳикоя қилувчи брошюраларга кўзингиз тушади.

Экспозиция ГДР меҳнаткашларининг совет китобларига ғоят қизиқаётганлигидан далолат беради. Улар совет республикалари сўз усталарининг энг яхши асарлари билан ўз она тилларида таниша оладилар. Экспонатлар орасида Ўзбекистон адибларининг китоблари, ўзбек халқ эртаклари тўпламини ҳам кўриш мумкин.

Экспонатлар ГДР полиграфия саноати ютуқларини акс эттирган.

Виставканинг тантанали очилиш маросимида ГДР маданият министрининг ўринбосари Клаус Хепке сўзга чиқди.

Виставканинг очилишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаевз иштирок этди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил самарали ишлаганлиги, қўшқаватлар йўллар ва кўприкларни ўз вақтида юқори сифатли қилиб фойдаланишга топширганлиги учун СССР Транспорт қурилиши министрлигига қарашли 401-кўприксозлик поезднинг бошлиғи ўртоқ Юрий Сергеевич Сурнига «Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган бинокор» фахрий унвони берди.

Халқ контролёрлари! Интизомни мустаҳкамлаш, иқтисод ва тежамкорлик учун ғайрат билан курашингиз!

(КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллигига Чақириқларидан).

ХАЛҚ КОНТРОЛИ саҳифаси

ҲОСИЛ ЖОНКУЯРЛАРИ

ГАГАРИН РАЙОНИДАГИ АБДУЛЛА НАБИЕВ НОМЛИ СОВХОЗ ХАЛҚ КОНТРОЛИ ГРУППАСИНИНГ ҲОСИЛ ТЕЗ ВА СИФАТЛИ ТЕРИБ ОЛИНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН ОЛИБ БОРАЁТГАН ИШЛАРИ ТАЖРИБАСИДАН

Совхозимиз пахтакорлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини бажариш, ўн биринчи беш йиллиқда ҳам она-Ватанга мўл-кўл қимматбаҳо навли Сурхон «оқ олтини» етказиб бериш учун социалистик мусобақада фаол қатнашмоқдалар. Бу йил хўжалигимиз камида 10000 тонна пахта етиштириб, хирмонга ўйиш учун қурашга эрта баҳордан жадал киришди. Биз асосан янгичка толали пахта етиштирамиз. Ипак пахта ялпи ҳосилнинг 98 процентини ташкил этади.

Халқ контроли группаси мўл ҳосил етиштириш учун зардоб меҳнатнинг ҳамма босқичларида қизғин иш олиб борди. Барча бўлимлар, бригадаларда, ремонт устахоналарида цех группаларя ёки постларнинг самарали, таъсирчан назорати сезилиб турди. Жамоатчиларимиз парвариш сифатли, вақтида ўтказилишини кузатиб бордилар, ишдаги камчиликлар дарҳол бартараф этилишига эришдилар. Натижада пахтазорларимизда социалистик мажбуриятни анча ортиғи билан бажариш имконини берувчи мўл ҳосил етиштирилди.

Теримга мавсум бошланишидан анча илгари тайёргарлик кўрдик. Бешта терим-транспорт отряди, хирмон ва тайёрлов пунктларида 12 та муваққат назорат постлари ташкил этдик. Уларнинг фаолиятига 45 жонкуяр, таъшаббускор жамоатчи жалб этилди. Бундан ташқари пахта нобудгарчилигига қарши кураш бўйича штаблар ташкил этдик. Терим оммавий равишда бошланиши олдидан назоратчилар кенгашини ўтказиб, йиғим-теримда ҳар бир кишининг ўрни ва ролини аниқ-равшан белгилаб олдик.

Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида совхозимиз 2400 гектар майдонда янгичка толали пахта етиштирмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республика коммунистлари ва комсомоллари, колхозчилари, совхоз ишчилари, механизаторларига, қишлоқ хўжалиги раҳбарлари ва мутахассисларига, барча меҳнаткашларига Мурожаатидан руҳланиб, пахтакорларимиз Ватан хирмонига ўн минг тонна янгичка толали юқори сифатли пахта етказиб бериш юзасидан оширилган мажбурият қабул қилдилар. Халқимизнинг шон-шуҳрати ва ифтихори, буюк мамлакатимиз куч-қудрати бўлган пахтанинг ҳар бир чаноғи учун чинакам кураш бормоқда ҳозир. Бу курашда пахтакорларимиз ҳам, ҳашарчилар ҳам бир жону бир тан бўлиб қатнашаётирлар.

Назоратчиларимиз катта хирмон учун курашда машиналар ҳал қилувчи куч эканлигини яхши тушунадилар. Ўтган йили биз ялпи ҳосилнинг 85 процентини машиналар билан териб олинишини таъминлаган эдик. Партия ва ҳукумат Мурожаатидан руҳланган механизаторларимиз ана шу кўрсаткични бу мавсумда 10 процент кўтариш — етиштирилган жами ҳосилнинг 95 процентини техника ёрдамида йиғиб-териб, саранжомлаб олиш ташаббуси билан чиқдилар. Назоратчиларимиз ана шу ватанпарварлик ҳаракати жараёнида техника ва механизмлардан тўла қувват билан гоят унумли фойдаланилишини кузатиб турибдилар. 52 терим машинаси, 32 та кўсак териш ва чувиш машинаси баракали ишлатилмоқда. Улар бирор дақиқа ҳам бекор туриб қолмаслиги учун барча чораларни кўраётирмиз.

Терим арафасида биз группа-группа бўлиб пахта далаларини текшириб чиққан эдик. Бундан мақсад пахта майдонларини машина теримига сифатли тайёрлашга эришиш, мавсумда бирон бир кутилмаган ҳодиса терим суръатини оширишга тўғаноқ бўлиб қолмаслигини таъминлаш эди. Ушанда ерларнинг чекка қисми машиналар эркин айланиши учун старли кенгликда текисланганлигини ҳам, ариқлар, муваққат зовурлар яхшилаб кўмиб, шиббаланганлигини ҳам текшириб чиққанмиз. Ўша коллектив текширишнинг самараси шу бўлдики, бутун мавсум давомида механизаторларимизнинг биронтаси ҳам далалар сифатсиз тайёрланганлигидан шикоят қилишгани йўқ. Натижада ҳозирги пайтгача ҳар бир терим машинаси билан ўртача 150 тоннадан ошириб «оқ олтин» терилди.

Пахтани машинада теришда юксак суръатга эришаётган Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Ўғилой Жўраеванинг тажрибасини кенг оммалаштирмоқдамиз. Коммунист механизатор ўзи бошчилик қилаётган бригадада 60 центнерчилик ҳаракатини ёйиш билан бирга машинада ҳам юксак унум билан пахта термоқда. Унинг иш усули назоратчиларимиз томонидан чуқур ўрганилиб, бошқа терим-транспорт отрядларида кенг ёйилмоқда. Ўғилой Жўраеванинг бугуги ҳаракати партия ва ҳукумат Мурожаатига амалий жавоб бўлаётир. Мурожаатдаги: «Ишчилар синфи сизларга ажойиб техникани бериб қўйган. Ишчилар синфи ана шу буюк кучни ўз баҳодирларига, дала гвардиячиларига ишониб топширганлигини халқ унутмайди. Халқ сизларнинг имкониятларингизни билади ва сизларни севади. Ана шу меҳр-муҳаббат ва ишонч зиммангизга кўпгина мажбуриятлар юклайди. Бугун эса даставвал ҳосил тақдири учун юксак масъулият юклайди. Пахта териш ва кўсак узиш машиналари, кўрак чувиш машиналари, барча терим ва транспорт машина-механизмлари куну тун ишлаши керак», — деган сўзлар ана шу ташаббуснинг механизатор ва унинг Парпахол Тошева. Чўпон Эгамбердиев, Жўра Қорабоев, Қурбон Ғаниев, Ўрол Алимардонов, Ҳамро Қориев сингари ўнлаб ҳамкасбларини фидокорона меҳнат қилишга, ҳозирги ғаниматдамларнинг ҳар дақиқасидан самарали, унумли фойдаланишга даъват этмоқда.

«Биронта ҳам чаноқ, биронта ҳам тола пахта ерда қолмайди!» — Назоратчиларимиз шу кунларда шукдай шиор билан ўз ишларини активлаштирмоқдалар. Ҳар бир пахтазорда етиштирилган ҳосилни нобуд қилмай териб, хирмонларга ўйиш учун курашаётирлар. Совхозимизда юқори ҳосил учун кураш жадал тус олиб кетди. Илғор бригадаларнинг аъзолари ҳосилдорликни 50-60 центнерга етказиш учун фидокорлик кўрсатаётирлар. Бу эса ўз-ўзидан бўлмайди. Сўз ва иш бирлигини таъминлаш учун курашда назоратчиларимизнинг роли ҳам каттадир.

Группамиз мавсум бошидан буён йигирма мартадан кўпроқ рейд, текшириш ва оммавий кўриклар ўтказди. Ҳосил тез, тоза териб олиниши, терим агрегатларидан юксак унум билан фойдаланилиши бу текширишларнинг асосий йўналиши бўлди. Хўжалигимизда 60 терим машинаси бор. Уларнинг деярли ҳаммаси малакали механизаторлар қўлида. Биз ҳар бир машина билан кўпроқ пахта терилиши учун ҳамма чораларни кўрдик. Машиналарга техника хизмати кўрсатиш даланинг ўзида ташкил этилди. Бирон машина ортиқча туриб қолишига йўл қўйилмади. Натижада ҳозиргача машиналар билан деярли 7500 тонна пахта териб олинди. «Зангори кема»лар ҳануз жадал ишлатилмоқда.

Шунингдек, текширишларимиз пахтани териш, хирмонларга ташиб чиқиш ёки пунктга етказиб топшириш жараёнида қимматбаҳо хом ашё нобуд бўлишининг олдини олишга ҳам ёрдам берди. Ишга яроқли ҳамма одам теримда қатнашишига, кунлик терим нормасини бажаришига эришмоқдамиз. Аниқланган камчиликлар ўз жойида дарҳол бартараф қилинаётир. Айрим нуқсонларнинг содир бўлиш сабаблари, баъзи раҳбарлар ва мутахассисларнинг бокибеғамлиги «Чақин», «Халқ контроли ойнаси»да, ишчи йиғилишларида принципиал танқид қилинди.

Группамиз амалга оширган таъсирчан назорат хўжалигимиз район социалистик мусобақасида байроқдорлар сафида боришига муайян даражада ёрдам берди. Айрим кунлари йиллик планнинг 8—10 процентидан ошириб пахта топширишга эришдик. Бир қатор бригадаларимиз ҳафта—ўн кунда йиллик планни адо этдилар. Совхоз планини бугун эрта бажарамиз. Суръатни асло бўшаштирмаётирмиз. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг барча меҳнаткашларга Мурожаатида таъкидланганидек, етиштирилган ҳосилнинг бирор чаноғини, бирор толасини далада қолдирмаймиз. Назоратчиларимиз бу оммавий курашнинг олдида борадилар, ҳосил нобудгарчилигига асло йўл қўймайдилар.

Д. ЭРМАТОВ,
халқ контроли группасининг раиси.

БУТУН ҲОСИЛНИ СЎНГГИ ЧАНОҒИГАЧА ГОЯТ ҚИСҚА МУДДАТЛАРДА ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШ, ҲАР БИР ХЎЖАЛИК, РАЙОН, ОБЛАСТЬ ҚАБУЛ ҚИЛГАН МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ — БИЗНИНГ ЭНГ БИРИНЧИ БУРЧИМИЗДИР.

(Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатидан).

НАВБАТ—МАЖБУРИЯТГА

Бўлимимиз пахта майдонлари Бекобод районининг янги ўзлаштирилган чўл зонасида. Шунинг учун бу ерларда пахта етиштириш ўзига хос фидокорликни тақозо қилади.

Бўлимимиз пахтакорларининг янги очилган ҳар гектар ердан 25 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун бошлаган фидокорона меҳнати муваффақиятли якунланди. Биз теримни уюшқоқлик билан олиб бориб. пахта тайёрлаш планини қисқа муддатларда бажардик. Бунда бўлимимиз халқ назоратчиларининг жонкуярлиги, суръатни ошириш учун изланиши, техникадан, ишчи кучларидан оқилона фойдаланиш йўлидаги принципиаллиги муҳим роль ўйнади.

Планни бажардик. Аммо далаларимизда ҳали ҳосил сероб. Пахтакорларимиз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатидан руҳланиб, ҳар гектар ердан яна 15 центнердан «оқ олтин» йиғиб-териб олиш, ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш мажбуриятини қабул қилдилар. Шу кунларда бўлимимиз пахтазорларида 10 та терим машинаси ишлаб турибди, 80 та теримчи, кўпгина ҳашарчилар ҳосилнинг сўнгги граммигача териб олиш аҳди билан фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Муваққат назорат постлари, халқ контроли группасининг активлари пахтани териб, пунктларга ташиб бериш жараёнида нобудгарчиликнинг олдини олиш учун барча чораларни кўрмоқдалар.

У. ЭРҚУЛОВ,
Бекобод район, «Ленинград» совхози 1-бўлим халқ контроли группасининг аъзоси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

МУҚАДДАС МУЛК

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети ўтказган текшириш натижасида республика Ўрмон хўжалиги министрлиги раҳбарлари партия ва ҳукуматнинг социалистик мулкни сақлаш ишини кучайтириш, талон-торож ва хўжасизликка йўл очиб берувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни бартараф қилиш борасидаги кўрсатмаларини бажариш йўлида зарур бўлган барча чораларни кўрмаётганлиги маълум бўлди. Ревизиялар ҳамиша ҳам комплекс тарзда ўтказилмайди, ишдаги нуқсонлар ва суистеъмол фактлари тўла, охиригача очиб ташланмайди, ревизия материаллари ўз вақтида қараб чиқилмайди. Камоматга йўл қўйган, давлат мулкини ўзлаштирган ва талон-торожга йўл қўйган шахслар ҳамиша ҳам жавобгарликка тортилмай, етказилган зарарнинг катта қисми ундириб олинмай қолиб кетади.

Тасдиқлаб қўйилган қоидаларга зид равишда ҳар йили министрлик бўлинмаларининг фақат 30 процентигина ревизия қилинади, кўпгина хўжаликлар уч-тўрт йиллаб ревизия қилинмайди. Саккиз хўжалик бўйича текшириш ревизиялар бўйича тегишли буйруқлар белгиланган 20 кун ичида эмас, 55—146 кун пайсалга солиб чиқарилганлигини кўрсатди. Ревизиялар сифати паст. Кўпинча, камомадлар аниқланмай қолиб кетади.

Министрликнинг бош бухгалтери ўртоқ Е. Малишева ҳисоб-китоб ишида зарур тартиб ўрнатмаган. Кўпгина хўжаликларда бу иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бухгалтерия ҳужжатлари чуқур ўрганилмайди, бу нарса материалларни асоссиз равишда чегириб ташлашга, ҳисоб ва ҳисоботларда чалкашликка сабаб бўлаётир. Тошкент, Оҳангарон, Хўжайли ўрмон хўжаликларида шундай нуқсонлар одат тусига кирган.

Министрлик ва унинг хўжаликларида план-иқтисод (бошқарма бошлиғи М. Верешчагина) иши суст йўлга қўйилган. Ишлаб чиқариш-молия планлари етарли асослаб тузилмайди, иш ҳақи фондини белгилашда маҳаллий хусусиятлар ҳисобга олинмайди. Шу тўфайли ўтган йили иш ҳақи фондидан 266 минг сўм ортиқча сарфлаб юборилган, шунингдек, икки хўжаликнинг раҳбар ходимларига асоссиз 8 минг сўм мукофот берилган. Маъмурий-бошқарув харажатларини 59 минг сўмга камайтириш юзасидан ҳукумат топшириғи бажарилмай қолган.

Ўзбекистон ССР ўрмон хўжалиги министрининг ҳудди шу соҳа учун масъул бўлган биринчи ўринбосари ўртоқ Ф. Фахрутдинов молия ва штат интизоми бузилишига йўл қўйган, ревизия бўлими, ҳисоб-иқтисод хизмати ва уларнинг қуйи бўлинмалари фаолиятига етарли раҳбарлик қилмаган, назоратни бўшаштириб юборган, социалистик мулкни эҳтиётлаб сақлашни таъминламаган, мансабдор шахсларга қаттиқ талабчанлик кўрсатмаган.

Ўзбекистон ССР ўрмон хўжалиги министрининг қишлоқ ва ўрмон хўжаликлари масалалари билан шуғулланувчи ўринбосарлари К. Мирпўлатов ва Н. Яхёев ўртоқлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва мева етиштириш ҳамда тайёрлаш юзасидан белгиланган топшириқларнинг бажарилиши учун зарур чораларни кўрмаганлар, ҳосилни, экин майдонларини талон-торож қилиш, ерлардан самарали фойдаланмаслик фактларга қаршн курашмаганлар.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети текшириш якунларини муҳокама қилиб, Ўзбекистон ССР ўрмон хўжалиги министри ўртоқ П. Юсуповнинг эътиборини тармоқ хўжаликларида моддий ресурслар ва пул маблағларини сақлаш иши қониқарсиз аҳволда эканлигига, социалистик мулкни сақлаш ва иқтисод режимига риоя қилиш учун барча бўғиндаги раҳбарларга етарли талабчанлик кўрсатилмаётганлигига қаратди. Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш топшириқлари бажарилмаётганлиги, ҳосилни ва ерларни талон-торож қилишга йўл қўйилаётганлиги министр ўринбосарлари К. Мирпўлатов ва Н. Яхёев ўртоқларга кўрсатиб ўтилди. Ўзи мутасадди бўлган соҳада раҳбарликни сусайтириб юборгани, қуйи бўлинмаларнинг социалистик мулкни сақлаш, моддий ва пул маблағларини тежаш режимини кучайтириш борасидаги фаолиятини назорат қилмагани учун министрнинг биринчи ўринбосари Ф. Фахрутдинова ҳайфсан берилди. Шунингдек, бош бухгалтер Е. Малишева, планиқтисод бошқармасининг бошлиғи М. Верешчагина ўртоқлар ҳам тегишлича жазоланди.

Андижон область Комсомолобод районининг пахтакорлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан шу ғаниматкунларнинг ҳар дақиқасидан терим суръатини ошириш учун фойдаланмоқдалар. Халқ назоратчилари пахта нобудгарчилигининг олдини олиш, техника ва ишчи кучидан унумли фойдаланиш учун кўзқулоқ бўлиб турибдилар.

Суратда: район халқ контроли комитетининг раиси К. Алимқулов «Партия XXIV съезди» совхози пахтакорлари билан терим сифатини кўздан кечирмоқда.

Ж. Тўраев фотоси.

ПАХТА НОБУД БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг барча меҳнаткашларга Мурожаатига жавобан халқ назоратчилари ўз ишларини кескин активлаштириб юбордилар. Улар пахта далаларида ва қабул пунктларида юксак меҳнат унумдорлиги учун, ҳозирги ғаниматдақиқаларда ҳосилнинг бирор граммини ҳам нобуд қилмай саранжомлаб олиш учун курашда партия, совет ва хўжалик ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Қуйида Хўжайли район халқ назоратчиларининг ибратли ишлари ҳақидаги мақолани ўқийсиз.

Бўлим бошқарувчиси Ҳамидулла Полвонниёзов пахтазор четида қизариб, ўзини қўярга жой топа олмай турарди. Бу ноқулайликнинг сабаби бор эди. Ҳозиргина назоратчилар бўлимдаги бригадаларнинг пахтазорларини айланиб чиқишди. Ўқ ариқларда, дала четларида, йўл бўйларида, машина айланадиган жойларда лўппи-лўппи пахта сочилиб ётганини кўришди. Айниқса, Қ. Абдазов, У. Шўйтосов, Қ. Адовов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда аҳвол ташвишланарли эди. Табиийки, бу назоратчиларда принципиал эътироз туғдирди. Қўшни бўлим — Далабой Султонмуродов бошқарувчи бўлган коллективда ҳам пахта нобудгарчилигига йўл қўйилаётгани аниқланди. Бўлим бошқарувчиси ҳам, бригада бошлиқлари ҳам кескин танқид эшитишди.

Назоратчилар «Амударё» совхозида ўтказилган бу текшириш якунлари район халқ контроли комитети мажлисида муҳокама қилинди. Теримда нобудгарчиликка йўл қўйган кишилар қаттиқ жазоланди, колхоз ва совхозларда пахтани сифатли, нобуд қилмай йиғиштириб олишга қаратилган қўшимча тадбирлар амалга оширилди.

Шу кунларда районимиз партия ва совет ташкилотлари бутун кучни теримни тезлаштиришга, она-Ватанга 50 минг тонна Хўжайли пахтасини армуғон этиш учун курашга отлантирмоқдалар. Ҳар куни қабул пунктларига 2,5-3 процент миқдорида пахта топширилмоқда. Пахтакорларимиз социалистик мажбуриятни яқин кунларда бажаришга азму қарор қилиб, пахтазорда жасоратли меҳнат қилмоқдалар.

Район халқ контроли комитети «оқ олтин» учун курашнинг ҳозирги жадал дамларида халқ назоратчилари фаолиятини айниқса активдаштириб юборди. Терим-транспорт технологиясининг муҳим бўғинларида муваққат назорат постлари фаол иш олиб бормоқда. Чунончи, Ленин номли колхозда 16 та, «Коммунизм» колхозида 14 та, «Ленин байроғи» колхозида 12 та ана шундай пост аъзолари назорат таъсирчанлиги ва самарадорлигини таъминламоқдалар. Энгельс номли колхоз назоратчилари ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш йўлида барча резервлар ҳаракатга келтирилишига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Айниқса, Сафарбой Жуманов, Умр Бўронов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда теримга барча куч тўла сафарбар этилмоқда. Теримчилар ва механизаторнинг иш унуми юқори бўлаётир. Зайнаб Болтабоева, Соғинбой Сарбоев сингари жамоатчиларнинг жонкуярлиги пахта теримида юксак уюшқоқликка эришишни таъминлаётир.

С. РАЕВ,
Хўжайли район халқ контроли комитетининг раиси.

ДЕЛЕГАЦИЯ СОФИЯГА ЕТИБ БОРДИ

Болгария давлатининг 1300 йиллигига бағишланган тантаналарда қатнашадиган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов бошчилигидаги СССР делегацияси 19 октябрь куни Софияга етиб борди.

Аэродромда делегацияни БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БКП Марказий Комитетининг секретари А. Лилов, БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР Давлат Кенгаши Раисининг ўринбосари П. Таков, БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Болгария — Совет дўстлиги умумхалқ комитетининг фахрий раиси Ц. Драгойчева, Болгария — Совет дўстлиги умумхалқ комитетининг раиси Н. Папазов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Шу куни тушдан кейин СССР делегацияси Георгий Димитровнинг мавзолейини зиёрат қилиб, гулчамбар қўйди.

Номаълум солдат қабрига ҳам гуллар қўйилди.

Делегация аъзолари София бўйлаб сайр қилдилар. Улар Совет фани ва маданияти уйига бориб, КПСС XXVI съездига ва БКП XII съездига бағишланган «Ленин йўлидан» виставкасини кўздан кечирдилар.

Ер юзида тинчлик учун

ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ IX КОНГРЕССИ

19 октябрь куни Москвадаги Союзлар уйининг Колонна залида Халқаро журналистлар ташкилотининг IX конгресси очилди. Конгрессда барча қитъалардаги 110 дан кўпроқ мамлакат вакиллари иштирок этмоқдалар.

Халқаро журналистлар ташкилотининг президенти К. Норденстренг конгрессни очди.

Мажлис аҳли КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг Халқаро журналистлар ташкилоти IX конгресси қатнашчиларига йўллаган табрикномасини гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олди. Табрикномани КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимянин ўқиб берди.

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг раиси Ромеш Чандра конгресс қатнашчиларини юз миллионлаб тинчлик тарафдорлари номидан табриклади.

Халқаро журналистлар ташкилоти конгресслари ўртасидаги даврда ХЖТ бош секретариатининг фаолияти ва халқлар ўртасида тинчликни, ҳамжиҳатликни ва ишончни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида жаҳон демократик журналистикасининг вазифалари тўғрисида Халқаро журналистлар ташкилотининг бош секретари И. Кубка доклад қилди.

Нотиқ ҳозирги халқаро аҳволни таърифлаб, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш масалаларига, капитал мамлакатларида оммавий ахборот воситаларининг йирик монополияларга қарамлиги ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

И. Кубка пировардида бундай деди: Халқаро журналистлар ташкилоти халқлар ўртасида тинчликни, ҳамжиҳатлик ва ишончни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, жамоатчилик фикрига бундан буён ҳам актив таъсир ўтказишни ўзининг асосий вазифаси деб билади.

Мажлисда СССР Журналистлар союзи правлениесининг раиси В. Г. Афанасьев, Куба журналистлар союзининг бош секретари Э. Вера сўзга чиқдилар.

Конгресс 20 октябрь куни ўз ишини давом эттиради.

(ТАСС).

РАССОМ ХАНДАСИ

ЕМ-ХАШАК ЎРНИГА ҚОҒОЗМИ?

Қўшкўпир районида чорва мутасаддиларининг бири бир жойга қовушса, бир хил илмоқли гап-сўзлар эшитилади.

— Иложини топдингми?

— Топдим! Сиз-чи?

— Йўли бор-да ҳар нарсанинг...

Уларнинг гапига тушунмайсиз, елка қисиб кўя қоласиз. Лекин шу «тумен» муомаладан чорва молларининг корни қаппайиб, сути кўпаймаслигини биласизми? Билмасангиз, эшитиб қўйинг: бу районда чорва учун ем-хашак жамғариш чинакамига ташкил этилмайди. «Қишловга тайёрмиз!» — деб кўракка уришади-ю, чет-четда кўзбўямачиликка зўр беришади.

Акс ҳолда А. Қурбонов номли колхозда юз берган ҳодисани қандай баҳолаш мумкин? Бу хўжаликда тайёрланган ем-хашакнинг учдан бир қисми қоғозда бор-у, ҳай-ҳай, гарамда йўқ. Рақамларни «ёқимли» қилишнинг, яхлитлаштиришнинг иложи ҳам топилди: ёз бўйи ўриб, молларга едириб юборилган кўк ўт миқдорини ҳам қиш учун тайёрланган дағал хашак миқдорига тиркаб юборилди. Кўрсаткич соз — димоғ чоғ. Ленин номли ва «Коммунизм» колхозларида эса ҳар бир сғоин сигирга кунига 55-61 килограмм ем-хашак берилгани ҳақида қалбаки акт тузишди-да, раҳбарлар олдида кўкрак кериб юра бошлашди. Бундан кимга, аниқроғи, нимага фойда? Сигирларгами? Нима, улар хашак ўрнига қоғоз еёдиган бўлишганми?

К. ҚОБИЛЖОНОВ.

— Бу маълумотнинг маъқул эмас, ўзгартир?

— Кўпайтирайми?..

— Шуни ҳам тушунмайсанми?!

«МЕНДАН КЕТГУНЧА...»

Кейинги вақтда Қарши тикувчилик фабрикасида енгилелпи чокланиб, жойларга юборилаётган эркаклар ва болалар кўйлаги магазинларда чанг босиб ётибди. Харидорлар бу кўйлакларни кўлга олишади-ю, ёқа ушлашади. Ҳайратланишга сабаб йўқ эмас. Бу кўйлаклар гоҳи размерига тўғри келмаса, баъзилари сифатли тикилмаган. Фақат сўнгги бир ярим йилдагина корхона савдо ташкилотларидан 64 та раддия олди, 69 минг сўм жарима тўлади.

— Нега бундай бўлмоқда? Сифатсиз, брак маҳсулот ишлаб чиқаришга қачон чек қўйилади?

Назоратчилар яқинда фабрикада бўлиб, ана шу саволлар билан унинг раҳбарларига мурожаат қилишди. Нима бўлди, дерсиз? Ҳеч нима бўлгани йўқ. Бу саволга жавобан корхона раҳбарлари елка қисиб кўя қолишди, бирор маъноли жавоб бериша олмади. Шундан кейин назоратчилар цехларга йўл олишди. Ишчилар билан фикрлашиб кўрмоқчи жазм қилишди. Улар цехларда нимани кўришди денг? Назоратчиларнинг кўзи олдида у ер-бу ерда бекор турган машиналар намоён бўлди. Корхонада қувватлардан тўла фойдаланилмайди. Иш вақтини бекор ўтказиш фактлари тез-тез содир бўлиб турибди. Натижада ой ва квартал охирида штурмчилик бошланади, «қўлдан кетгунча» қабилида кўйлак тикиш авжига чиқади. Ачинарлиси, мукофотни фабрика раҳбарлари олишаяпти-ю, зарарини давлат кўряпти.

Қ. ҲАМИДХЎЖАЕВ.

— Ҳа, бўл энди!

— Нима, квартал охирлаб қолдими?

А. Жабборов расмлари.

ҲАР ҚАНДАЙ ОБ-ҲАВО ШАРОИТИДА ҲАМ ТЕРИМ СУРЪАТИНИ БЎШАШТИРМАЙЛИК!

КУНИГА УЧ ПРОЦЕНТДАН

КАТТАҚЎРҒОН РАЙОНИДАГИ ЛЕНИН НОМЛИ КОЛХОЗ ПАХТАКОРЛАРИ 12.000 ТОННА «ОҚ ОЛТИН» УЧУН КУРАШЯПТИЛАР

Самарқанд

Колхозимиз аъзолари ўтган йилнинг кузидан буён астойдил меҳнат қилиб, пахтадан юқори ҳосил етиштирдилар. Лекин об-ҳаво ноқулайликлари туфайли пахтамиз бироз кечки бўлиб қолди. Бундан қатъи назар 12.000 тонналик «оқ олтин» хирмонини сўзсиз эгаллаймиз. Мурожаатда алоҳида таъкидланганидек «об-ҳаво об-ҳаволигини қилади, иш эса ўз йўлига».

Пахтакорларимиз суръатни сира сусайтирмасдан теримни қизғин давом эттирмоқдалар. Кунига давлат тайёрлов пунктларига йиллик планнинг 3 процента миқдорида «оқ олтин» жўнатяпмиз. 1 ноябргача йиллик пахта тайёрлаш планини, сўнгра социалистик мажбуриятимизни шараф билан адо этиш учун бутун куч ва техника воситаларини сафарбар этмоқдамиз.

Юқори ҳосилли Ҳамид Халилов, Орзи Шониёзов, Маҳмуд Ўроқов, Баҳриддин Мажидов бошлиқ бригадаларимиз йиллик пахта тайёрлаш планларини 25 октябргача бажариб, рапорт берадилар. Эрназар Жумаев, Абдухолиқ Худоёровлар бошлиқ бригадаларнинг заршунослари ҳам шу муддатда ғалаба рапортига имзо чекадилар.

Далаларимизда 40 та «зангори кема» тўла қувват билан тинимсиз ишлатиляпти. Механик-ҳайдовчилар мусобақаси тобора кучайтириляпти. Аҳмад Ўмаров, Карим Халилов, Жума Назаров каби дала гвардиячилари кунлик графикларни анча ошириб адо этишяпти. Кейинги кунларда Ҳикмат Жинаев, Шоғўлат Раҳмонов ва бошқа механик-ҳайдовчиларимиз ҳам суръатни анча оширдилар. Ҳар бир машинанинг мавсумдаги иш унумини кескин кўтариш, камида 200-250 тонна, ҳатто ундан кўпроқ пахта терилишини таъминлаш дала гвардиячиларининг шарафли бурчига айланди.

Мурожаатда «Одамлар билан техникани пахта йиғим-теримига тўла сафарбар этиш, барча мавжуд резервлардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини бутун чоралар билан ошириш учун ўзимизнинг бутун уюшқоқлигимизни, сабот-матонатимиз, мардлигимизни намоён этиш ҳозир ҳар қачонгидан кўра муҳимдир, дейилади республика партия-ҳукуматининг даъваткор Мурожаатида. Ишни Мурожаат асосида ташкил этиб, кунига йиллик планнинг 3—4 процента миқдорида «оқ олтин» тайёрлаяпмиз. Пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилни сўнгги граммларигача териб олиш, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида мавжуд 1600 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36,1 центнердан хирмон кўтаришга ҳаракат қиляпмиз.

Механизаторларимиз кўп, сифатли, таннархи арзон пахта етиштиришда, теримни ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказишда ибратли ишларни амалга оширишаётир. Эрнаст Ҳамдамов, Ҳамид Ҳамдамов, Ҳамроқул Ҳамдамов, Ҳамроқул Ҳамдамов, Ҳамроқул

Эл соғлиғи — юрт бойлиги

ЭЪЗОЗ

САЛОМАТЛИК ШАҲАРЧАСИ КОМПЛЕКСИ ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР

Қатрада борлиқ акс этганидек, халқ сиҳат-саломатлиги йўлида республикамизда кўрсатилаётган бемисл ғамхўрликни биргина бизнинг шифохона мисолида ҳам кўрса бўлади. Уч йилгина олдин 450 беморга тиббий ёрдам кўрсатишга қодир эдик. Янги жарроҳлик корпуси, терапия ҳамда туғруқхона бўлимдари жойлашган беш қаватли янги бино ишга тушгач, эндиликда бир йўла 1200 бемор етиб даволанмоқда. Врачлар малакасини ошириш институти билан Тошкент давлат медицина институтининг 13 кафедраси бизда эканлиги медицина ёрдами кўрсатиш даражасини тағин ҳам оширишда катта роль ўйнамоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, партия ва ҳукуматимизнинг доимий эътибори, ёрдами туфайли шаҳримиздаги бошқа медицина муассасалари қатори бизнинг шифохона ҳам янги диагностика ҳамда даволаш асбоб-ускуналари билан йил сайин бойиб бормоқда. Беморларга тўғри диагноз қўйиш, ўз вақтида самарали муолажа чораларини кўришда шифокорларимизга кўп каналли «Элкар» типидаги электрокардиографлар, физиограф, фонокардиограф, кардиомонитор ҳамда рентген-диагностика аппаратлари жуда қўл келмоқда. Жарроҳлик асбоб-ускуналарини, операция чоғида қийнладиган қўлқоп ва уст-бошларни шаффофлайдиган махсус аппаратгача олинган. Ҳатто туғруқхонадан чиқкан аёлларни уйига элтиб қўйиш учун махсус транспорт ажратдик.

Ҳар йили бизнинг касалхонамизга 70—80 ҳамшира ишга олинади. Уларнинг иш бошлайдиган куни тантанали ўтказилади, унда йирик медик олимлар ва мураббий шифокорлар қатнашиб, ўз тажрибаларини гапириб беришади. Ҳамшираларга эса қасамёд қабул қилишади, уларга тантанали равишда «1-шаҳар клиник касалхонасининг ходими» деган гувоҳнома топширилади. Яна бир янгилик. Бизда ҳар ойда 22 саволдан иборат анкета беморларга тарқатилади. Унда шифокорларнинг хасталарга муомаласи, кийиниши, юриш-туриши, дори-дармонлар билан таъминланишигача бўлган масалалар қамраб олинган. Анкета саволларига жавоблар махсус комиссия томонидан пухта ўрганилади. Айтилган камчиликларни бартараф этиш учун қандай чора ва тадбирлар кўрилганлиги шифохона радиоузели орқали беморларга хабар қилинади.

Маълумки, қонни тириклик шарбати дейишади. Медицина техникаси бугуни кунда шу даражада кучайдики, эндиликда техника ёрдамида қонни ўрганиб, беморнинг шу аснодаги ҳолатини аниқлашдан ташқари келгусида уни қанақа синоатлар кутаётганини ҳам айтиб бериш мумкин. Лабораториямиздаги бундай аппаратлар врачларнинг бебаҳо кўмакчиси бўлиб қолганлиги боиси ҳам шунда. Айтайлик, касалхонага ҳаёти қил устида турган бемор келтирилди. Унга зудлик билан қон қуйиш лозим. Оғир аҳволдаги беморлар ҳаётини сақлаб қолиш учун шифохонамиз ҳамшираларидан М. Мирзааҳмедова, Ф. Зуфарова, М. Ғафурова, Е. А. Кузьмина ва бошқалар беминнат донор вазифасини ҳам бажаришади.

Беморларга баъзан мураккаб операциялардан кейин ҳам қон қуйиш зарур бўлади. Шуни эътиборга олиб бизда махсус қон қуйиш станцияси ташкил этилган.

Шу зайл шифохона замонавий медицина фанининг ҳамма талабларига жавоб берадиган саломатлик шаҳарчасига айланиб бормоқда. Хизматчилар сони, хилма-хил тиббий техника билан жиҳозланганлиги жиҳатидан уни аслида йирик корхонага қиёслаш тўғрироқ бўларди. Зарур ҳолларда бундай комплексда беморга бир вақтнинг ўзида бир нечта касалликдан форғ бўлиши учун ёрдам берилади, турли ихтисосдаги шифокорлар маслаҳати, медицинанинг энг сўнгги ютуқлари асосида муолажа чоралари кўрилади.

Ҳозирги кунда клиник шифохонамизда йигирма саккизта бўлим, 800 га яқин врач ва ўрта медицина ходими, шу жумладан ўн икки профессор ва ўттиз фан кандидати ишлаб турибди. Минг-минглаб беморлар дардига даво топиб ҳалқ хўжалигига — ўз станоклари ёнига, қурилиш объектига, аудитория ёки мактабга, ўз ошаси бағрига, жонажон ишига муддатидан илгари қайтарилмоқда экан, бунда шубҳасиз, бутун коллективимизнинг, хусусан тиббиёт заҳматкашлари деб эъзозланаётган ажойиб профессорларимиз, жарроҳ Ж. Каримов, уролог О. Мухторов, юрак хасталиклари мутахассиси М. Ҳамидова, эндокринолог Э. Қаюмовларнинг, иқтидорли шифокорлар М. Кодиров, В. Потапова, Н. Бойматов, Р. Мухторова, М. Бобожонова, А. Ғуломов, С. Акрамова, Ҳ. Умаровларнинг, ҳамиша фидокор ҳамшира, санитар ва энагаларнинг хизмати бор.

Коллективимиз профилактика ишларини ўтказиш, малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, санитария-гигиена билимларини пропаганда қилишдан ташқари катта оталиқ ишларини ҳам олиб бормоқда. Узоқ йиллардан бери пойтахт областининг Калинин, Пискент ва Тошкент районлари билан ҳамкорлик қиламиз, зарур маслаҳат ва ёрдамимизни аямаймиз. Ҳатто йиғим-терими кезларида эса Дўстлик ва Оқолтин районлари меҳнаткашларига оталиқ ёрдами кўрсатамиз.

Партия ва ҳукуматимиз Улуғ Ватан уруши ветеранлари ҳақида доимо ғамхўрлик кўрсатмоқдалар. Биз ҳам ҳар жиҳатдан қулайлик туғдириш мақсадида уларга тўғридан-тўғри шифохонага жойлашиш, уларнинг хоналарида барча имкониятлар бўлишига интилмоқдамиз. Ветеранлар соғайиб оилаларига қайтганда ҳам уларга биркитилган медицина ходимлари ҳол-аҳволларидан мунтазам хабар олиб туради.

Бўлажак «Қаҳрамон оналар» учун шифохонамизда қулай шароитлар яратилган. Уларнинг хоналарида телефон, видеотелефон, телевизор мавжуд. Уларга махсус медицина ҳамширалари биркитилган.

Бир сўз билан айтганда бу инсон ҳақидаги ғамхўрликнинг, совет турмуш тарзи афзаллигининг яна бир ёрқин ҳаётий ифодасидир.

Шифохонамизнинг истиқболи янада порлоқ. Ҳаёмай 300 ўринли кўп профилли болалар касалхонаси, кунига 800 киши қабул қилинадиган поликлиника ишга тушиб, «Октябрь» номи билан юритиладиган саломатлик шаҳарчамиздаги қурилиш ишлари ниҳоясига етказилди, йўллар яхшиланиб, чор атроф кўкаламзорлаштирилиб янада ободонлаштирилади.

Шифокорлар қасамёдидаги Ватанимиз медицинасининг энг олижаноб анъаналарини эъзозлаш ва кўпайтириш, ҳамма ерда коммунистик ахлоқ принципларига суяниб иш кўриш, совет врачи деган юксак номни қадрлаш, партия, халқ ва Совет давлати олдиги масъулиятни унутмаслик лозим деган бу сўзлар бунёдкор кишиларимиз саломатлиги посбонлигида турган ҳар бир медицина ходими учун муқаддас бурч бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади.

Қ. РИЗАЕВ,
Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг Абу Али ибн Сино номли 1-клиник касалхонаси бош врачи.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Хавфли ёш. Бадиий фильм. 11.30 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — Буратино кўғирчоғи маси. 16.30 — Рус тили. 17.00 — СССР ва Яман Халқ Демократик Республикаси ўртасида дўстлик ҳамда ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланганлигининг йиллигига. 17.30 — Горичилар, қаердасиз! 18.00 — Ҳужжатли фильм. 18.15 — Футбол бўйича кубок эгаларининг кубоги. АСК (Ростов-Дон) — «Эйнтрахт» (ГФР). Танаффус пайтида Дунё воқеалари. 20.00 — Концерт. 20.25 — Атиги икки ой. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол бўйича УЕФА кубоги. «Спартак» — «Кайзерслаутерн» (ГФР). 22.45 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Ҳужжатли фильм. 10.05 ва 12.05 — Немис тили. 10.35 ва 11.35 — География. 11.05 — Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўрганишади. 12.40 ва 13.40 — Ўқув кўрсатуви. 13.10 — Отаоналар, Сизлар учун. 14.10 — Зоология. 14.35 — Тугалланмайдиган лицей. 15.45 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 16.15 — Ўқитувчи экрани. 16.45 — Илмий-оммабоп фильм. 19.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 20.30 — Халқаро панорама. 21.15 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Соқов папка. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 18.20 — Мультфильм. 18.40 — Қувноқлар даврасида. 19.10 — Бизнинг уй. Телефильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ёзувчилар пахтакорлар ҳақида. 20.00 — Турмуш ва маданият. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Лирик концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Рўйхатларда йўқ. Спектакль. 23.35 — Оламда нима гап?

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Эстетика асослари. 18.50 — Камагонгларн. Телефильм. 19.00 — Физика. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ижодий изланиш кишилари. 20.50 — Асрлар садоси. 21.00 — Француз тили. 21.30 — Москва — IV программаси.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ёш ижрочилар концерти. 9.35 — Композитор Р. Турсунов қўшиқлари. 11.15 — КПСС XXVI съезди ривожланган социализмнинг иқтисодий сиёсати ҳақида. 11.25 — Студентлар ва ёшларнинг талабларига биноан концерт. 12.10 — Ўзбекистон индустриальлиги. 13.00 — Мураббий издошлари. 14.00 — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги сабзавотчилик, полизчилик, картошкачилик бошқармасининг бош мутахассиси К. Орифжонов сўзи. 19.25 — Дуторда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист С. Йўлдошев чалади. 21.00 — Бугун кучи ишга солиб меҳнат қилайлик. 21.10 — Шеърият кечаси. 21.30 — Пахта терими илғорлари учун концерт. 22.30 — Рақс оҳанглари. 23.15 — Хайрли оқшом.

УЗБЕКИСТОН ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР НИГОҲИДА

МЕҲМОНДЎСТ ЎЛКА

Швейцария телевидениесининг ижодий группаси Совет Ўзбекистони тўғрисидаги фильмни суратга олиб бўлди. Тележурналистлар Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона водийси бўйлаб сафар қилдилар.

— Ўзбекистон бизни бутун дунёга машҳур архитектура ёдгорликларининг кўркамлиги билангина қойил қолдиргани йўқ, — деди ватанига қайтиш олдидан группа раҳбари Симона Мор. — Биз аҳолининг дўстпарвар ва меҳмоннавозлигига, адабиёт ва санъатнинг ўзига хос эканлигига мафтун бўлдик. Аммо бутун халқ республикасининг асосий бойлигини яратишда — ҳақли равишда «оқ олтин» деб аталаётган пахтани етиштириш ва уни йиғиб-териб олишда иштирок этаётганлиги бизда ғоят зўр таассурот қолдирди. Одамлар гуллаб-яшнаётган воҳаларга айлантирган собиқ чўл жойларда пахта, шоли, мева, сабзавот етиштирилаётганлигига ишонгинг келмайди, аммо бу ҳақиқатдир.

Телевидение орқали бир соат мобайнида кўрсатилиши лозим бўлган ўз фильмимиз билан,— деди С. Мор — биз Ўзбекистон меҳнаткашларининг ҳаёти, урф-одатлари ва маданияти тўғрисида, уларнинг хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги муваффақиятлари, барча халқлар билан тинчлик ва дўстликда яшашга интилаётганликлари ҳақида ўз ватандошларимизнинг тасаввурини кенгайтиришга ҳаракат қиламиз.

(ЎзТАГ).

ШАХМАТ ЧОРРАҲАЛАРИДА

АЖИБ «ТУЛҚИН» СИРИ

Уралнинг Златоуст шаҳри яқинида Тургоян деган машҳур кўл бор. Бу ажойиб гўзал кўл ҳақида кўплаб афсонаю ривоятлар мавжуд. Дейдиларки, деҳқонлар иўзголонининг лашкарбошиси Емельян Пугачёв бир вақтлар бу кўл тубига катта хазина яширган эмиш.

Хаёлларга берилувчи ҳаваскорлар соатлаб манзарали кўлнинг ойнадек текис юзини томоша қиладилар, баъзан улар шундай воқеанинг гувоҳи бўладилар. Осмон мусаффо, бир парча ҳам булут йўқ, қирғоқдаги дарахтларнинг барглари шитирлатувчи шабада ҳам сезилмайдиган бир пайтда Тургоянинг қаеридир ўртасида — кўл марказидаги оролчада бирдан ажиб тўлқин кўтарилади-да, аста-секин улкан сув бетида парчаланиб ғойиб бўлади. Бу қандай тўлқин? Тургоянинг тубида яширинган қандай куч унинг тиниқ сувини ноғоғ тўлқинлантиришга мажбур этади? Ҳозирча буни ҳеч ким тушунтириб бера олгани йўқ. Олимларнинг айтишича, ўткир қирралі харсанглар кўтарилмаган тўлқинларни лайдо қилармиш.

Анатолий Карповнинг ўйинларида ҳам худди шундай: аввалига осойишталик, кўзни қамаштирувчи сувнинг бир текислиги, силлиқ ва жимлиги намоён бўлади. Ленин бирдан тахтада «кичик эндшпиль комбинацияси»нинг шиддатли тўлқини кўтарилади-да, зарарсиз ва осойишта бўлиб кўринган барча нарсаларни кўмиб ташлайди. Карпов кейинчалик шахмат фронтини ларзага солувчи позиция тубидаги кучни ўз вақтида пайқай олади, табиат унга сув остидаги силкинишлар қудратини аниқлай ва ўлчай олгандек ноёб сезгирлик ато этган. Бунинг кўмагида у даҳшатли стихини жиловлаш, уни ўз фойдасига хизмат қилишга мажбур этишни билади...

Бундан ўттиз йил муқаддам худди ўша Златоуст шаҳрида туғилган Анатолий Карповнинг камолот даврлари ҳақидаги маълумотлар мухлисларга аён. Мана ҳозир у Италиянинг Мерано шаҳрида ўз унвонини сақлаб қолиш учун Корчной билан иккинчи марта куч синашмоқда. Дастлабки беш ўйнашувдаёқ уч марта ғалаба қилиб, икки марта дурангга имзо чекиши унинг кучи, маҳоратидан далолат берди. Олтинчи партияда, у отини ноқулай хонага олиб қочиб, хатога йўл қўйди. Бунга сабаб ўйлаш учун вақтнинг танглиги бўлди. Еттинчи партияда томонлар дурангга имзо чекдилар.

ТОЖ ДАЎВОГАРЛАРИ

1962 йили грузин қизи Нона Гаприндашвилига маликалик шаҳодатномаси берилганда у атиги 21 ёшда эди. Нона 1965, 1969, 1972, 1975 йилларда тож талабгорларига қарши курашда ўз унвонини муваффақият билан ҳимоя қилиб, беш карра жаҳон чемпиони бўлади.

Хўш, унинг «малика»лиги яна қанча давом этаркан, деган савол кўпчиликни қизиқтирарди...

20 ёшли Майя Чибурданидзе ҳам тўлмисилик, 1978 йили Нонага рўпара бўлган тож талабгори 17 ёшли шу қизча бўлди. Шунгача эришган ғалабаларини жаҳоншумул деб атадилар. Ҳа, «малика»га рўпара бўлгунга қадар Майя ўзининг энг юксак интилишлари жиддий ҳамда ўринли эканини аниқ исботлади: 1978 йили у шахмат тахтига кўтарилди. Аёллар ўртасида СССР терма командаси составининг асосан грузин шахматчиларидан иборат эканлиги диққатга сазовордир. Мана улар: М. Чибурданидзе, Н. Гаприндашвили, Н. Александрия, Н. Иоселиани...

1975 йилги матчда Гаприндашвили билан мамлакатнинг бир неча бор чемпиони Н. Александрия беллашган ва курашни бой берган эди. Мана энди у иккинчи марта тожга даъвогарлик қилиптти. Чибурданидзе — Александрия матчининг биринчи ярми — саккиз партияси Баржоми шаҳрида ўтказилиб, чемпион бир очко ўзиб кетди. Мусобақанинг иккинчи ярми бошланиши билан унинг устунлиги икки очкога кўтарилди. Талабгор қисқа танаффусдан сўнг кетма-кет икки бор ютиб, мувозанатни тиклади. Ҳозирча ҳисоб 6:6. Низомга кўра «малика»га қолган тўрт ўйинда иккита, талабгорга эса 2,5 очко кифоя.

М. МУҲИТДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» шахмат шарҳловчиси.

ПЛАНЕТАМИЗДА

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ИШОНЧЛИ МАШИНАЛАР

БУДАПЕШТ. Бенуқсон ва серунум ишлаётган совет машиналари кунгабоқар ва картошка ҳосилини ўз вақтида йиғиштириб олишда Венгрия давлат хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик кооперативлари меҳнаткашларига кўп жиҳатдан ёрдам берди. Ҳозирги вақтда республика далаларида Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилган 50 мингдан кўпроқ машина ишламоқда. Ҳар йили Венгрияга Совет Иттифоқидан 4 мингдан кўп трактор, комбайн ва бошқа серунум машиналар келтирилади.

Дала ишларининг мана шу долзарб кунларида ҳам қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари «МТЗ-80» тракторларининг янги туркумини олдилар.

ОЛИЙ МАКТАБ ЮБИЛЕИ

ХАНОЙ. Социалистик Вьетнам жамоатчилиги республикада энг катта олий техника ўқув юрти — Ханой политехника институтининг 25 йиллигини кенг нишонлади. Институт шу вақт ичида мамлакат халқ хўжалиги учун қарийб 20 минг инженер тайёрлаб берди. Улар мамлакатнинг турли шаҳарлари ва вилоятларида ишламоқдалар. Институт юбилей муносабати билан ҳукуматнинг юксак мукофоти — 1-даражали Меҳнат ордени билан тақдирланди. (ТАСС).

ПБИП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ВАРШАВА, 19 октябрь. (ТАСС). ПБИП Марказий Комитетининг 4-пленумида яқдиллик билан қабул қилинган қарорда давлат ҳокимияти сарфлаётган куч-ғайратларга қарамай, мамлакат ҳали ҳам жуда қийин аҳволда турганлиги уқтириб ўтилади.

ПБИПнинг IX фавқулодда съезди тугаши биланоқ социализм душманлари партияга ҳужумни кескин кучайтирдилар ҳамда унинг программаси амалга оширилишига йўл қўймаслик мақсадида қўпорувчилик ҳаракатлари қила бошладилар.

Марказий Комитет муваффақиятсизликларинг сабаблари қарорларни бажаришда партия ва давлат органларининг ҳаракатлари изчил эмаслигида ва қатъиятнинг етишмаслигида эканлигини қайд этди.

ПБИП Марказий Комитети барча партия инстанциялари ва ташкилотлари зиммасига контрреволюцион кучлар фаолиятининг ҳамма формаларига қатъиян қарши туриш масъулиятини юклайди. Барча инстанциялар ва партия ташкилотлари, давлат ҳокимияти органлари Советларга қарши пропаганда ўтказиш йўлидаги ҳамма уринишларга қарши кескин курашишлари лозим.

Халқнинг ҳаётига ва давлатнинг хавфсизлигига таҳлика солиб турган ҳозирги хатар қаршисида Марказий Комитет зарурат туғилган тақдирда ПХРнинг олий органлари халқ ва давлатнинг ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилиш учун ПХР конституциясида бериб қўйилган ваколатларни ишга солишлари лозим, деб ҳисоблайди.

«Бирдамлик» раҳбарлари жамият ва давлат манфаатларига, аввало ишчилар синфининг манфаатларига зид йўлга ўтиб олдилар, дейилади сўнгра қарорда.

ПБИП Марказий Комитети «Бирдамлик» раҳбарларидан: ПХР конституциясига ва мавжуд ҳуқуқ-тартиботга риоя қилишни, социализм душманларининг ҳаракатларидан алоқани узишни, иш ташлаш ҳаракатларини дарҳол тўхатишни, социалистик мамлакатлар билан иттифоқларни амалда тан олишни ва Советларга қарши кампанияга қаршилик кўрсатишни талаб қилади.

Марказий Комитет ҳисоблайдики, партия кенг миқёсда қоявий-сиёсий ҳужумга ўтиши керак.

ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Ярузельский ПБИП Марказий Комитети пленумининг якунловчи мажлисида сўзга чиқиб бундай деди: жамият аҳволнинг ўзгаришини кутмоқда, партия ҳужумга ўтишини кутмоқда. Жамият социалистик давлатни мустаҳкамлашни кутмоқда.

Бугун, деди у сўзини давом эттириб, фақат бир нарсани айтиш мумкин: чекиниш имкониятлари энди тугади. Марказий Комитет 4-пленумининг қарорида баён этилган қоидалар бу маррани белгилаб берди. Танглиқни бартараф этиш кескинликни, социализмга душман бўлган кучлар, аввало, «Бирдамлик»нинг кўпгина раҳбар бўғинларига тўпланиб олган кучлар социал-иқтисодий турмушнинг турли соҳаларида уюштираётган ва қўлланаётган ўзига хос қамални тугатиш бу йўлдаги биринчи босқич бўлиши лозим.

Ҳозирги қийин вазиятда, — деб таъкидлади нотиқ,— биз Польшанинг социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан иттифоқда, Совет Иттифоқи билан дўстликда қолаверишининг буюк аҳамиятини айниқса яхши ҳис қилмоқдамиз. Биз халқнинг тарихий реаллик бўлиб қолган мана шу бебаҳо ғалабаларини ҳимоя қиламиз ва мустаҳкамлаймиз.

Болгария — халқаро туризм мамлакатидир. Ҳар йили бу ерга юздан ортиқ мамлакатдан меҳмонлар ташриф буюришади.

Суратда: Варна шаҳрининг К. Маркс номидаги марказий кўчаси.

Н. Муҳаммаджонов фотоси.

ЯҚИН ШАРҚДАГИ ВОҚЕАЛАР

ҚОҲИРА, 19 октябрь. (ТАСС). Мисрда Садатга суиқасд қилишга бевосита ёки билвосита дахлдор бўлган кишиларни қамоққа олиш давом этмоқда. Миср мудофаа министри Абу Ғазал «Маю» ҳафталигининг мухбири билан суҳбатда бундай деди: Миср армиясидан «экстремист ташкилотлар»га мансублиқда айбланган 134 офицер бўшатилди. Кейинги кунларда қамоққа олинган 230 киши Садатнинг ўлдирилишига дахлдор эканлиги эҳтимол, деб ёзади ҳафтанома. Уларнинг пировард мақсади Мисрда Эрондаги шоҳга қарши революцияга ўхшаш революция қилишдан иборат бўлган эди, деб уқтиради «Маю». Иқрор бўлиб айтилган бу гапларнинг ҳаммаси Миср маъмурларининг Садатни «якка-ёлғиз фанатиклар» ўлдирдилар, деган расмий хабарига мутлақо тескаридир.

БАҒДОД, 19 октябрь. (ТАСС). «Ал жумхурия» газетаси «Қоҳирадаги хабардор доиралар»дан олинган маълумотларга асосланиб хабар қилишича, Американинг юқори мансабдор офицерларидан иборат «координация ва раҳбарлик группаси» Мисрга юборилган. Улар Миср вакиллари билан биргаликда МАР қуролли кучлари устидан тўла контроллиқни таъминлаш мақсадида «қўшма раҳбарлик комитети»ни тузганлар. Бу комитет Миср қуролли кучларида фавқулодда ҳолатни жорий этиш тўғрисида кўрсатма берган. Бу комитет ҳарбий тўнтариш бўлишидан хавфсираб қўшин қисмларининг мамлакат бўйлаб қиладиган ҳар қандай ҳаракатларини тақиқлаган ва «ишончли эмас» деб ҳисобланган анчагина мисрлик офицерларни қамоққа олиш тўғрисида фармойиш берган.

«Ал жумхурия» газетасининг ёзишича, «қўшма раҳбарлик комитети»даги Америка томонига Садатнинг ўлими куни Қоҳирада бўлган АҚШ «тез ҳаракат қилиш кучлари» қўмондони генерал Р. Кингстон бошчилик қилмоқда.

НЬЮ-ЙОРК. 19 октябрь. (ТАСС). Садатнинг америкапарастлик йўли билан ўз кўлоёғини боғлаб қўйган Судан маъмурлари Ливияга қарши ашаддий васваса вазиятда Нимейри режимига қарши бўлган кишиларга нисбатан жабр-зулмни кучайтирмоқдалар. «Нью-Йорк дейли ньюс» газетаси мухбирининг Хартумдан хабар қилишича, хавфсизлик кучлари Судан ички ва ташқи сиёсати ўзгартирилиши тарафдорларидан яна 1300 дан ортиқ кишини қамоққа олганлар. Бундан ташқари, тахминан 7000 киши Ливия билан «алоқадорликда гумонсираниб» сўроқ қилинди, деб уқтиради газета.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

△ **ТЕҲРОН.** Эрон пойтахти шаҳар транспорт бошқармаси шаҳар транспортида ўтказаётган ўз экспериментидан воз кечишга мажбур бўлди. Шаҳар транспорти бошқармаси яқинда қабул қилган қаророни бекор этди. Бу қарорга мувофиқ, шаҳарда қатнайдиган икки қаватли автобусларда «ислом қонунларига риоя қилиш» мақсадида хотин-қизлар унинг биринчи қаватида, эркаклар эса фақат иккинчи қаватида боришлари мумкин эди. «Жумҳурийе исломи» газетасининг хабар беришича, маъмурлар жамоатчилик тазйиқи остида ана шу янги тадбирдан воз кечишга мажбур бўлдилар, чунки одамлар кўп қатнайдиган пайтларда автобусларнинг юқори қаватлари кишилар билан лиқ тўлиб, пастки қаватлари бўш бўлур эди.

△ **БАЙРУТ.** Исроил мудофаа министри Шарон Иордан дарёси ғарбий соҳилидаги ҳарбийлаштирилган манзилгоҳ аҳолиси ҳузурида нутқ сўзлаб, арабларнинг босиб олинган территорияларида таянч пунктларининг шохобчаларини кенгайтиришни ёқлаб чиқди. Унинг сўзларига қараганда, ана шундай тадбирларгина «мамлакат хавфсизлигини» гарантиялаши мумкин экан.

(ТАСС).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1982 йил январдан бошлаб ЯНГИ ОММАВИЙ-СИЁСИЙ ВА АДАБИЙ-БАДИИЙ

«ЁШЛИК» ЖУРНАЛИ

ЎЗБЕК ТИЛИДА ЧИҚАРИЛАДИ

Нашр индекси 75241, бир йилда 12 сон чиқади.

ОБУНА БАҲОСИ — бир йилга 6 сўм.

ОБУНА «СОЮЗПЕЧАТЬ» АГЕНТЛИКЛАРИДА, АЛОҚА БУЛИМЛАРИДА ВА ИШ ЖОЙИДАГИ ЖАМОАТЧИ МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Узбекистон ССР Алоқа министрлигининг «СОЮЗПЕЧАТЬ» бошқармаси.

●

Узбекистон ССР Маданият министрлиги ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЕЗИЙ НОМИДАГИ САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ 1981 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича

АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун: театр санъати, декоратив ва амалий санъат, архитектура назарияси ва тарихи;

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун: театр санъати, кино санъати ва телевидение.

АРИЗАЛАР 10 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Институт адреси: 700029, Тошкент шаҳри, В. И. Ленин номли майдон, 2-уй, телефон 39-46-77.

●

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг БИОХИМИЯ ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Илмий-тадқиқот ишларининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш ва техник иқтисодий асослаш группасининг катта илмий ходими;

лабораторияларнинг кичик илмий ходимлари: липидли алмашув (3 ўрин), эмбриогенез биохимияси, эндимология.

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Мурожаат учун адрес: 700125, Тошкент шаҳри, М. Горький проспекти, 56-уй.

●

Узбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ЎЗБЕКИСТОН ПЕДИАТРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

катта илмий ходимлар: медицина ахборотчи группаси, патоморфология группаси, болаларнинг касалланиш сабабларини ўрганиш лабораторияси;

кичик илмий ходимлар: иммунология группаси (2 ўрин), бўлимлар: гастоэнтеролоюия (2), пульмонология, кичик ёшли болаларда физиологияси ва патологияси.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар институт директори номига қуйидаги адрес бўйича юборилсин: 700046, Тошкент шаҳри, 2-Чимбой кўчаси, Талант проезди, 3-уй.

●

Узбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг РЕСПУБЛИКА ҲИСОБЛАШ МАРКАЗИ «ЕС—1033» ва «Минск—32» электрон-ҳисоблаш машиналарининг

ВАҚТИНЧА АРЕНДАГА БЕРАДИ

Буюртмачиларга стандарт математик таъминот, системали программалаштириш бўйича консультациялар, хизмат кўрсатиш учун операторлар ва программистлар беради ва ишни муддатида бажарилишини таъминлайди.

Ҳисоблаш маркази лойиҳа, қидирув ва конструкторлик ташкилотлари учун типовой программаларга эга.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Луначарский шоссеси, 42-уй. Телефон 66-16-15.

Узбекистон ортопедия ва травматология илмий-текшириш институти коллективи институт катта илмий ходими, медицина фанлари доктори, патоморфология лабораториясининг бошлиги Д. Р. Қўлдошевга отаси, Улуғ Ватан уруши инвалиди

Қўлдош РАСУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Узбекистон ССР Прокуратураси коллективи тергов бошқармаси прокурори М. Мирзаевга отаси

Аҳат Мирзаевич МИРЗАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Республика «Узмясомолторг» конторасининг ходимлари Нукус холодильниги директори З. Н. Ниёзимбетовга ўғли

ФУРҚАТнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/X да **Кузнинг биринчи куни** (16.00), 23/X да **Рўйхатларда йўқ**, 24/X да **Нодирабегим.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 22/X да **Тўйдан олдин томоша**, 23/X да **Ишонмасанг ўламан**, 24/X да **Хизматингизга тайёрмиз.**

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия гурмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-18, 32-53-20, 33-35-53, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. — 02282. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 243. 2